


ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИДА НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ




Қумқўрғон тумани Халқ депутатларининг 6-чақириқ 40-сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими

Р. Гаппаров бошқариб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш изимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил

17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қумқўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти тингланади.



Шунингдек, Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди раиси Ўктам Мамадиев ва Қумқўрғон туманлараро иктисодий суди раиси Санжар Аллабердиевларнинг ахбороти ҳам эшитилди.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан депутатлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.